

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ**

Профессор-ўқитувчиларнинг

ТЎПЛАМИ

II-қисм

23-24 апрель

Самарқанд – 2015

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТУРЛИ ТОИФАДАГИ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЧОРВАЧИЛИКНИ ХОЛАТИ

Қахаров А., Хушвақтов А., Хатамов А.

Истиклол йилларида чорвачиликка оид бўлган кўплаб Давлат қонунлари, Президент Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Давлат дастурлари қабул қилинган. Буларнинг барчаси мамлакатда чорвачиликни барқарор ривожлантиришни ҳуқуқий асоси яратилганлигидан далолат беради.

Республика стат бошқармасининг маълумотларини таҳлили (1-жадвал) шундан далолат берадики, Республикаимизнинг барча тоифадаги хўжаликларида жами қорамол бош сони 2015 йил 1 январ ҳолати бўйича 10994,6 минг бошга тен бўлган.

Бу кўрсаткич ўтган 2014 йилга қараганда 387,6 минг бошга, ёки 3,7 фоизга кўпайган. Кўпайиш хўжаликлар кесимида: фермер хўжаликларида 5,9 минг бош, ёки 1,0 фоиз, деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида 370,7 минг бош, ёки 3,7 фоиз ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 11,5 минг бош, ёки 10,5 фоизга тенг бўлган. Бошқача қилиб айтганда мавжуд бўлган 10994,6 минг бош қорамолни: 545,2 минг боши, ёки 5,0 фоизи фермер хўжаликларида, 10328,1 минг боши, ёки 93,9 фоизи деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида ҳамда 121,3 минг боши, ёки 1,1 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи хўжаликларда урчитилмоқда.

Урчитилаётган қорамолларни вилоятлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, биринчи ўринда Самарқанд вилояти бўлиб, Республикадаги жами қорамолни 1407,5 минг боши, ёки 12,8 фоизи айнан шу вилоят хўжаликларида урчитилади, иккинчи ўринда Қашқадарё вилояти бўлиб, Республика бўйича жами қорамолларни 1310,3 минг, ёки 11,9 фоизи ушбу вилоят хўжаликларида урчитилади. Учинчи ўринда Бухоро вилоятидир. Бу вилоятда жами қорамолларни 1100,5 минг боши, ёки 10,0 фоизи урчитилади. Демак, ушбу 3 та вилоятларда Республикада урчитиладиган жами қорамолларни 3818,3 минг боши, ёки 34,7 фоизи урчитилар экан.

Қорамолларнинг бош сони бўйича республикадаги вилоятлар орасида мутаносиб равишда: Андижон, Фарғона, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Жиззах, Хоразм, Тошкент, Наманган, Навоий ва Сирдарё вилоятлари туради ва жами қорамолларнинг тегишли тарзда: 964 минг боши, ёки 8,8 фоиз, 929,6 минг бош, ёки 8,5 фоиз, 871,7 минг бош, ёки 7,9 фоиз, 804,1 бош, ёки 7,3 фоиз, 770,3 минг бош, ёки 7,0 фоиз, 755,6 минг бош, ёки 6,9 фоиз, 754,1 минг бош, ёки 6,9 фоиз, 574,7 минг бош, ёки 5,2 фоиз, 383,5 минг бош, ёки 3,5 фоиз ва 368,7 минг бош, ёки 3,4 фоиз қорамол урчитилади.

Республика бўйича мавжуд бўлган барча қорамолларни, жадвалдаги тартиб бўйича келтирилган вилоятлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, мутаносиб равишда: 822,9 минг бош, ёки 95,6 фоизи, 917,8 минг бош, ёки 95,2 фоизи, 1039,2 минг боши, ёки 94,4 фоизи, 744,1 минг боши, ёки 96,6 фоизи, 1240,1 минг боши, ёки 94,6 фоизи, 356,7 минг боши, ёки 93,0 фоизи, 551,5 минг боши, ёки 96,0 фоизи, 1339,7 минг боши, ёки 95,2 фоизи, 740,2 минг боши, ёки 92,5 фоизи, 339,4 минг боши, ёки 92,1 фоизи, 660,3 минг боши, ёки 94,6 фоизи, 879,6 минг боши, ёки 94,6 фоизи ҳамда 696,6 минг боши, ёки 92,2 фоизи деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари ва фермер хўжаликларида урчитилмоқда. Қолган тегишлича: 4,4; 4,8; 5,6; 3,4; 5,4; 7,0; 4,0; 4,8; 7,5;

7.9; 5.4; 5.4 ҳамда 7.8 фоизи эса қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда урчитилади.

Республика бўйича 2015 йил 1 январ ҳолати бўйича мавжуд чорва моллари сони
тўғрисида маълумот, минг бош

Вилоятлар	Қорамол		Қўй ва эчкилар	Отлар	Паррандалар
	Жами	Шундан сизирлар			
Қорақалпоғистон республикаси	871,7	269,3	876,9	20274	2849,8
Андижон	964,0	332,0	1213,6	6486	5817,8
Бухоро	1100,5	378,9	1825,1	4502	2909,2
Жиззах	770,3	232,9	1659,7	21740	2121,8
Қашқадарё	1310,3	457,4	4124,2	27208	4027,9
Навоий	383,5	170,4	1781,6	15390	1795,0
Наманган	574,7	203,4	679,2	6521	3042,2
Самарқанд	1407,5	605,0	2074,2	23131	8167,4
Сурхондарё	804,1	323,2	1978,9	14841	3085,9
Сирдарё	368,7	124,0	258,9	12634	1568,6
Тошкент	754,1	336,9	794,3	46858	12793,7
Фарғона	929,6	346,6	800,9	8452	3640,9
Хоразм	755,6	304,8	379,9	5291	4374,8
Жами	10994,6	4084,8	18447,4	213328	56195,0

2015 йил 1 январ ҳолатидаги 18447,4 минг бош қўй ва эчкиларни мутаносиб равишда: 1336,6 минг боши, ёки 7,3 фоизи, 15459,9 минг бош, ёки 83,8 фоизи деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида ва 1650,9 минг бош, ёки 8,9 фоизи қишлоқ хўжалиги қорхоналарида урчитилмоқда.

Жами, 213328 бош отларни 20648 боши, ёки 9,7 фоизи фермер хўжаликларида, 180390 боши, ёки 84,6 фоизи деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида ва 12290 боши, ёки 5,8 фоизи қишлоқ хўжалиги қорхоналарида урчитилмоқда.

Чорвачиликнинг яна бир асосий тармоғи паррандачилик йилдан -йилга ривожланиб, 2015 йил 1 январ ҳолати бўйича 56195,0 минг бошга етган. Шундан мутаносиб равишда: 6670,8 минг боши, ёки 11,9 фоизи фермер хўжаликларида, 35623,0 минг боши, ёки 63,4 фоизи деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари ва 13901,2 минг бош, ёки 24,7 фоизи қишлоқ хўжалиги қорхоналарида парваришланмоқда.

Таҳлилдан кўриниб турибдики, чорва моллари ўзининг туридан қатъий назар 4,6-11,9 фоизи фермер хўжаликларида, 63,4-94,6 фоизи деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида ва 0,9-24,7 фоизи қишлоқ хўжалиги қорхоналарида урчитилади. Келажакда қишлоқ хўжалик ҳайвонларини асосий қисмини фермер хўжаликларида урчитиш мақсадга мувофиқдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, чорва молларининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари ҳам йилдан -йилга яхшиланиб бормоқда ва аҳолини озиқ -овқат хавфсизлигини сақлашда муҳим ўрин тутди. Буни биз 2-жадвалда келтирилган 2014 ишлаб чиқариш йили якунидан кўришимиз мумкин.

Маълумки, гўшт инсон организми учун энг асосий маҳсулот ҳисобланади. Инсон организмда нормал биологик, физиологик ва кимёвий жараёнлар кечиши учун тиббиёт меъёр кўрсаткичи бўйича 80-84 кг гўшт истеъмол қилиши лозим. Республикада гўшт балансида қорамол гўшти биринчи ўринда бўлиб, жами истеъмол қилинадиган

гўшти 66.5 фоизни ташкил қилади. 2014 йилда 2,0 млн тоннага яқини, аниқроғи 1906535 тонна гўшт ишлаб чиқарилган бўлса, шундан 1267846 тоннасини қорамол гўшти ташкил қилади.

Жами ишлаб чиқарилган 1906535 тонна гўшти, 55275 тонна, ёки 2,9 фоизини фермер, 1800249 тонна, ёки 94,4 фоизини деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари ҳамда 51011 тонна, ёки 2,7 фоизини қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқарган.

2-жадвал

2015 йил 1 январ ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикасида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш (2014 йил декабр)

Ҳайвон тури	Барча тоифадаги хўжалиklar	Шу жумладан		
		Фермер хўжаликлари	Деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари	Қишлоқ хўжалиги корхоналари
Гўшт (тирик вазнда), тонна	1906535	55275	1800249	51011
Сут, тонна	8432801	308586	806648	59567
Олинган тухум, минг дона	4949956	542996	2726848	1680112
Қирқиб олинган жун, тонна	34400	2797	29490	2113
Олинган қоракўл тери, дона	1063391	52621	831838	178932
Олинган асал, тонна	8708,7	14803	6714,6	513,8
Овланган балиқ, тонна	46534,6	13636,4	8877,9	24020,3
Пилла хом ашёси, тонна	26115,8	24454,7	х	1661,1

2014 йилда мамлакат бўйича жами 8432801 тонна сут ишлаб чиқарилган. Шундан тегишли равишда: 308586 тонна, ёки 3,7 фоизни фермер хўжаликларида, 806648 тонна, ёки 95,7 фоизи деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида ва 59567 тонна, ёки 0,7 фоизи қишлоқ хўжалиги корхоналарида етиштирилган.

2014 йилда товуклардан олинган жами 4949956 минг дона тухумни 542996 минг донаси, ёки 11,0 фоизи фермер хўжаликларида, 2726848 минг донаси, ёки 55,1 фоизи деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида ҳамда 1680112 минг донаси, ёки 33,9 фоизи қишлоқ хўжалиги корхоналарида етиштирилган. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки фақатгина тухум маҳсулоти қишлоқ хўжалиги корхоналарида 40 фоизга яқин етиштирилган. Чунки айнан шу тоифадаги хўжалиklarда жами паррандаларни 24,7 фоизи урчитилади.

Маълумки, чорвачилик енгил саноатни хом ашё билан таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутди. Шундай маҳсулотлардан бири жундир. 2014 йилда 34400 тонна жун

киркиб олинган, шундан мутаносиб равишда: 2797 тоннаси, ёки 8,1 фоизи фермер хўжаликларида, 29490 тоннаси, ёки 85,8 фоизи деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида ва 2113 тоннаси, ёки 6,1 фоизи қишлоқ хўжалиги корхоналаридан олинган.

Маълумки, қорақўл зотиға мансуб қўйлардан олинадиган асосий ва ноёб маҳсулот бу-қорақўл теридир. 2014 йилда жами 1063391 дона олинган қорақўл терини мутаносиб равишда: 52621 донасини, ёки 4,9 фоизини фермер хўжаликлари, 831838 донасини, ёки 78,3 фоизини деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари жами 178932 минг донасини, ёки 16,8 фоизини қишлоқ хўжалиги корхоналари етиштиришган.

Охириги йилларда Республика Президенти ва Ҳукумат мамлакатда чорвачиликни асаларичилик ва балиқчилик тармоқларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Бу борада, бир қанча махсус қарорлар ва Давлат дастурлари қабул қилинган. Натижада мамлакатимизда асаларичиликни ривожлантириш авж олди. 2014 ишлаб чиқариш йилида 8708,7 тонна асал олинган. Бу маҳсулотни тегишли равишда: 1480,3 тоннаси, ёки 17,0 фоизи фермер хўжаликларида, 6714,6 тоннаси, ёки 77,1 фоизи деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида ва 513,8 тоннаси, ёки 5,9 фоизи қишлоқ хўжалиги корхоналарида етиштирилган.

2014 йилда жами 46534,6 тонна балиқ овланган, шундан мос равишда: 13636,4 тоннаси, ёки 29,3 фоизи фермер хўжаликларида, 8877,9 тоннаси, ёки 19,1 фоизи деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида ва 24020,3 тоннаси, ёки 51,6 фоизи қишлоқ хўжалиги корхоналарида овланган.

Кўриниб турибдики, чорвачилик маҳсулотлари турли тоифадаги хўжаликларда турлича бўлган. Айтайлик, жами ишлаб чиқарилган чорва маҳсулотларини балансида, фермер хўжаликларининг улуши 2,7 (сут) фоиздан 17,0 (асал) фоизгача, деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларининг улуши 55,1 (тухум) фоиздан 95,7 (сут) фоизгача ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг улуши 0,7 (сут) фоиздан 33,9 (тухум) фоизгача бўлган. Аслида чорва молларининг маҳсулотини салмоғи бўйича ҳам барча тоифадаги хўжаликлардан, фермер хўжаликлари устиворлик қилиши мақсадга мувофиқдир.

2014 йилда етиштирилган жами 26115,8 тонна пилла хом ашёсини, шунга мутаносиб равишда: 24454,7 тоннасини, ёки 93,6 фоизини фермер хўжаликлари ва 1661,1 тоннасини, ёки 6,4 фоизини қишлоқ хўжалиги корхоналари етиштириб берган.

Шундай қилиб, мамлакатимизда урчитилаётган чорва молларининг бош сони ва улардан олинаётган чорвачилик маҳсулотлари ҳам жадал суръатлар билан ошиб бормоқда.

Шундай қилиб, чорва молларининг турлари кесимида бош сонини ошиши кузатилган. Шунга мос равишда улардан олинадиган маҳсулотнинг салмоғи ҳам кўпайган. Бу эса чорвачилик борасида олиб борилаётган ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ва селекция тадбирларни мақсадга мувофиқ эканлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кахаров А.К., Хушвақтов., Каримов Ш.А. Чорвачилик -халқ хўжалигининг муҳим тармоғи. Фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси қишлоқ хўжалиги самарадорлигининг муҳим омили. Республика илмий -амалий конференцияси материаллари тўплами. II -қисм. Самарқанд. 2013. 69-72 б.

2. Носиров У.Н ва бошқалар. Чорвачиликда классик ва замонавий селекция усуллари. Тошкент. 2008. Б. 466

3. Шарипов О. Чорвачилик истиқболи-фаровонлик кафолати. “Зооветеринария” журнали. 2014 йил №1, 3-4 б.

Сафаров М.Б., Рахмонов У.А. Ҳайвонларда стрессларнинг салбий таъсирлари.....	43
Қурбонов Ф.И., Ҳақбердиев П.С. Самарқанд вилоятининг айрим балиқчилик фермер хўжаликларида балиқларнинг цестодлар билан зарарланиши.....	47
Shapulatova Z.J., Ruzikulova U.N. Fermer xo'jaliklarida pasterellyozning epizootologiyasini o'rganish natijalari	49
Алиев Д.Д., Қамбаров А.А., Салимов Х.С. Қоракўл қўйларини сальмонеллэзга қарши вакцинация қилишнинг глюкокортикоидлар ва оксиллар динамикасига таъсири.....	51
Эшбуриев Б.М., Худайберганов С. Четдан келтирилган сигирларда бепуштликнинг сабаблари ва олдини олишни такомиллаштириш...	54
Ниязов Х.Б., Бабаева Ш.А. Анализ заболеваемости и клинического проявления асептических болезней суставов у лошадей.....	57
Қамбаров А.А., Жумаев Р.А., Ҳакимов Ш.К. Қўзиларда колибактериоз касаллигига қарши кураш тадбирлари.....	61
Салимов Ю., Фармонов Н., Холиқов А. Пиретроидлардан захарланган паррандалар гўшт маҳсулотлари сифатини ветеринария-санитария ва токсикология жиҳатдан баҳолаш.....	65
Норбоев Қ.Н., Эшбуриев С.Б. Маҳсулдор сигирлар организмга витаминлар ва минерал моддаларнинг таъсири.....	66
Axmedov S.M., Kuliyeв B.A. Otlarda bo'g'im kasalliklarining patomorfologiyasi.....	70
Избасаров У.К., Хатамов А. Наследие великих ученых Востока в XXI веке.....	72

ЗООТЕХНИЯ

Қахаров А., Хушвақтов А., Хатамов А. Ўзбекистон Республикасининг турли тоифадаги хўжаликларида чорвачиликни ҳолати	74
Аширов М.Э., Ибадуллаева А.С. Серсут қилинган сигирларнинг сут маҳсулдорлиги.....	78
Холмирзаев Д., Исаев Ж. Наслдор отларни бонитировка қилишнинг асосий қоидалари ва ўтказишни ташкил этиш.....	81
Шаптаков Э.С., Шерматов А.Ш., Сатторов Ф.Р. Ҳар хил зотдорликдаги сигирлар лактациясининг кечиш хусусиятлари.....	83